

Мусабоев Комрон

Тошкент ислом институти 4-курс талабаси

Кўпчилигимизга маълумки, ҳозирда бутун дунёда Қуръони каримнинг Мадина мусхafi шакли кенг тарқалган. Бу мусхaf чоп этилишидан аввал бутун дунёдаги мусулмонлар турли мусхafлардан фойдаланишар эди. Мадина мусхafi қисқа вақт ичida бутун дунё бўйлаб миллионлаб мусулмонлар хонадонларини ва масжидларини забт этди, десак муболаға бўлмаса керак. Албатта мазкур мусхafнинг нашр қилиниш тарихи кўпчиликка қизиқ бўлиши турган гап.

Ўтган асрнинг охирларига келиб бутун дунё уламолари мусулмонлар учун ягона бўлган бир мусхafга эҳтиёж борлигини ҳис қилишди. Бу ишга биринчилардан бўлиб Саудия Арабистонидаги бир қатор уламолар жамоаси бел боғладилар. Бу хайрли иш ўша вақтдаги Саудия Арабистони қироли Фахд ибн Абдулазиз ташабbusi билан бошланди.

Бу шарафли ишни бажариш Саудия Арабистони исломий ишлар, даъват ва иршод вазирлиги зиммасига юкланди. 1983 йил 31 май (ҳижрий 1403 йил 19 шаъбонга тўғри келади) сешанба куни бутун дунёдан йигилган уламолар жамоаси нашр этилажак мусхafни мўтабар китоблар асосида кўриб чиқиши бошлади. Уламолар жамоасининг олиб борган илмий изланишлари 1985 йил 22 январ (ҳижрий 1405 йил 1 жумодил аввал) сешанба куни ниҳоясига етди ва бутун дунё мусулмонларига катта хизмат ўлароқ тарихда қолди.

Ушбу мусхafнинг ривояти. Мадина мусхafi Ҳафс ибн Сулаймон ибн Муғири Асадийнинг Осим ибн Абу Нажуддан қилган ривоятига асосланган. Осим ибн Абун Нажуд эса қироатни машҳур тобеин Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Ҳабиб ас-Суламий роҳматуллоҳи алайҳидан, у эса катта саҳобалардан, жумладан, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Убай ибн Каъб ва Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳумлардан қабул қилиб олган. Бундан ташқари ушбу мусхafнинг Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу Макка, Басра, Куфа ва Шомга юборган, Мадина ахли учун тайин қилган ва ўзлари учун хослаган олтига мусхafга мослиги ҳам текширилган.

Забти ва ҳижоси.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ушбу мусхafнинг ҳижоси⁴¹ мўтабар олти мусхafдан олинган. Бунда икки шайх яъни Абу Довуд Сулаймон ибн Нажоҳ ва Абу Амр ад-Донийнинг нақлларига таянилган бўлиб, ихтилофли ўринларда Абу Довуд Сулаймон ибн Нажоҳ ривояти таржиҳ қилинган.

⁴¹ Ҳарфларнинг имлоси

Мусҳафнинг забтига⁴² келадиган бўлсак, бу борада Халил ибн Аҳмад Фароҳидийнинг белгиларига кўра иш тутилган. Машриқ уламолари фусҳага, яъни араб адабий тилига бошқалардан кўра яқинроқ бўлганлари учун Андалус ва Мағриб уламолари йўлидан юрилмаган.

Оятлари, поралари, ҳизблари ва шунга доир бошқа маълумотлар

Ушбу мусҳафдаги оятлар сонини белгилашда кўфаликлар йўлига эргашилган. Унга кўра оятлар сони 6236 тадир. Шу билан бирга оятлар сонини белгилашда Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Ҳабиб Суламийнинг Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхудан қилган ривоятига асосланган. Бу ҳақда Имом Шотибийнинг “Нозиматуз зухр” китобларида маълумотлар бор. мусҳафнинг поралари, ҳизблари⁴³, рублари⁴⁴ қуйидаги китобларга мурожаат қилган ҳолда тузиб чиқилган:

Аллома Сафоқисийнинг «Ғайсун нафъ» китоби;

Имом Шотибийнинг «Нозиматуз зухр» китоби;

Муҳаммад Мутаваллийнинг «Таҳқиқул баён» китоби;

Ризвон Маҳаллалотийнинг «Иршодул қурроъ вал котибийн» китоби.

Оятларни маккий ва маданийга ажратишда тафсир ва қироат китоблари жумладан, Умар ибн Муҳаммад ибн Абдул Кофийнинг ҳам китобидан фойдаланилган. Сажда оятлари эса мўтабар фиқҳ ва ҳадис китобларини ўрганиб чиқилган ҳолда белгиланган бўлиб, улардан бештасида ихтилоф қилинган, улар:

- 1- «Ҳаж» сураси, 77-оят 341-бет;
- 2- “Сод” сураси 24-оят 454-бет
- 3- “Нажм” сураси 62-оят 528-бет
- 4- “Иншиқоқ” сураси 21-оят 589-бет
- 5- “Алак” сураси 19-оят 597-бет

Мусҳафнинг ҳар бир саҳифаси ўн беш сатрдан иборатdir. Фақат Фотиха сураси ёзилган биринчи саҳифа ва Бақара сурасининг аввалги беш ояти ёзилган иккинчи саҳифа бундан мустасно бўлиб, саҳифанинг четлари чиройли нақшлар билан безатилган.

⁴² Забт – лугатда сақламоқ, мустаҳкамламоқ деган мноларни билдиради. Истилоҳда мусҳафнинг забти деганда ҳарфларни фатҳа, замма, касра, сукун, ташдид ва мад белгиларини қўйиб чиқиш тушунилади. Уламолар истилоҳида бу белгилар нуқталар деб юритилади. Ушбу белгиларнинг шакли ва кўриниши ижтиҳодий бўлса ҳам, улар ёрдамида қироатдаги хатолардан саломат бўлишга эришилади.

⁴³ Ярим поралик қисм

⁴⁴ Поранинг тўртдан бир қисми, чораги